

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯРМУХАМЕДОВА ДИЛФУЗА ЗАИРОВНА

**БИРЛАМЧИ БЎГИН ШАРОИТИДА КОВИДДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефера диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Ярмухамедова Дилфузза Заировна

Бирламчи бўғин шароитида ковиддан кейинги даврда артериал гипертензияли беморларни олиб боришни такомиллаштириш.....	5
--	---

Ярмухамедова Дилфузза Заировна

Совершенствование ведения пациентов с артериальной гипертен-зией в постковидный период в условиях первичного звена здраво-охранения.....	33
---	----

Yarmukhamedova Dilfuza Zairovna

Improving the Management of Patients with Arterial Hyperten-sion in the Post-COVID Period at the Primary Healthcare Lev- el.....	60
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works.....	66
---	----

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯРМУХАМЕДОВА ДИЛФУЗА ЗАИРОВНА

**БИРЛАМЧИ БЎГИН ШАРОИТИДА КОВИДДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛИ БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2. DSc/Tib689 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Нуриллаева Наргиза Мухтарханована
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Холмурод Сагдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абидова Дилором Эргашевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Золотовская Ирина Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти. Артериал гипертензия (АГ) дунё миқёсида энг кенг тарқалган юқумсиз бўлган сурункали касалликлардан бири бўлиб, у инсулт, миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги ва буйрак касалликларининг асосий хавф омилларидан ҳисобланади ҳамда ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларида етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...сўнгги 30 йил ичидаги катта ёшли аҳоли орасида АГ билан касалланганлар сони 650 миллион нафардан 1,28 миллиард нафаргача ошган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2030 йилга келиб 1,5 миллиард нафарга етиши кутилмоқда. Энг хавотирли жиҳати шундаки, беморларнинг деярли ярми ўзларида ушбу касаллик мавжудлигидан бехабарликлари» қайд этилган¹.

Жаҳон миқёсида ўтказилаётган илмий тадқиқотлар маълумотларига кўра, пандемиянинг расман якунланганига қарамасдан, ковиддан кейинги даврда артериал гипертензиянинг бекарор кечиши ҳамда унинг асоратлари ҳанузгача долзарб ва жиддий тиббий-ижтимоий муаммо сифатида баҳоланмоқда. COVID-19 инфекциясининг узоқ муддатли оқибатлари тўлиқ ўрганиб бўлинмаган бўлиб, мазкур масалада баҳсли ва ечимини топмаган жиҳатлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, вируснинг эндотелийга тўғридан-тўғри таъсири, сурункали паст даражали яллиғланиш, психоэмоционал стресс омиллари ҳамда турмуш тарзидаги ўзгаришлар артериал босим регуляциясининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, оилавий шифокорлар хавф омилларини (ХО) эрта аниқлаш, беморларни динамик кузатувга олиш, турмуш тарзини ўзгаририш бўйича тавсиялар бериш ҳамда даволаш чора-тадбирларини мувофиқлаштиришда мухим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, бирламчи бўғин шароитида артериал гипертензияни самарали назорат қилиш ва унинг асоратларини камайтириш мақсадида диагностик ёндашувларни такомиллаштириш ҳамда профилактик ишлар самарадорлигини ошириш зарур ҳисобланади. Беморни ҳолатини баҳолашда фақатгина артериал босимнинг клиник кўрсаткичлари билан чекланиб қолмасдан, касаллик босқичи, бир кеча-кундузлик мониторингда аниқланган артериал босимнинг профили тури, юрак-қон томир хавфи даражаси ҳамда турмуш тарзига оид омилларни инобатга олган ҳолда шахсийлаштирилган даволаш тамойилини танлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида юқумли бўлмаган сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббиётни рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида бирламчи тизимда «Электрон поликлиника» ахборот тизими йўлга қўйилиб ва масофавий диагностика, bemor salomatligini masofadan monitoring қилиш, тиббий

¹ World Health Organization. Global status report on noncommunicable diseases. – Geneva: WHO, 2021.

карталарнинг тармоқли тизими, виртуал тиббий кўриқдан ўтиш, виртуал шифохона хизмати, электрон рецептлар, телеметрия ва зарур тиббий ёрдамни уйда олишга имкон яратиш каби вазифалар белгиланган. Бу борада «...соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-таомилларини қисқартириш, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация дастурларини самарали амалга ошириш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширилиши натижасида оилавий шифокорлар томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳамда тиббиёт бригадаларини тизимини самарадорлигини ошириш билан бирга аҳоли орасида ковиддан кейинги даврда АГ bemорларни олиб бориш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир қасалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2023 йил 1 майдаги ПҚ-140 сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи³. Сўнгги йилларда COVID-19 пандемиясидан кейин АГнинг кечиши, суткалик артериал босим профилининг ўзгариши, эндотелий дисфункцияси, стресс омиллари ва кардиометаболик хавфнинг ошиши бўйича кўплаб нуфузли хорижий илмий марказлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2023 йил 28 декабрдага ПҚ-415-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда илғор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» га Қарори

³ <https://www.heart.org>, <https://www.acc.org>, <https://hms.harvard.edu>, <https://www.brighamandwomens.org>, <https://www.hopkinsmedicine.org>, <https://www.ucsf.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://ki.se>, <https://www.ub.edu>, <https://www.ku.dk>, <https://www.imperial.ac.uk>, <https://en.snu.ac.kr>, <https://www.u-tokyo.ac.jp>, <https://nus.edu.sg>, <https://www.unimelb.edu.au>, <https://www.sechenov.ru>, <https://almazovcentre.ru>, <https://www.tma.uz>

куйидаги ташкилотлар илмий фаолият юритмоқда: American Heart Association(АҚШ), American College of Cardiology (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Brigham and Women's Hospital (АҚШ), Johns Hopkins University (АҚШ), University of California San Francisco (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Karolinska Institute (Швеция), Universitat de Barcelona (Испания), University of Copenhagen (Дания), Imperial College London (Буюк Британия), Seoul National University (Корея Республикаси), Tokyo University (The University of Tokyo) (Япония), National University of Singapore (NUS) (Сингапур), University of Melbourne (Австралия), Сеченов университети (Россия Федерацияси), Алмазов миллий тиббиёт маркази (Россия Федерацияси), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон). Кенг кўламли халқаро тадқиқот маълумотларининг таҳлили АГ тарқалиши изчил ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Хусусан, NHANES (National Health and Nutrition Examination Survey, АҚШ, 2017–2020) дастури натижаларига кўра, катта ёшли аҳоли орасида артериал гипертензия тарқалиш даражаси 45,4% ни ташкил этган, бироқ беморларнинг факат 43,7% дагина артериал қон босимининг мақсадли кўрсаткичларига ($<140/90$ мм.с.у.) эришилган. COVID-19 пандемияси сурункали касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳамда уларнинг турмуш сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Карантин шароитида шифокорларга мурожаат қилишлар сони камайиши, антигипертензив дори воситаларини қабул қилишда танаффуслар қўпайганлиги, шунингдек, артериал қон босимини уй шароитида назорат қилиш пасайганлиги кузатилди (Sharma K. ва ҳаммуал., 2021).

Замонавий халқаро клиник тавсияларда (ESH/ESC,2022; ACC/AHA, 2022) АГ билан оғриган беморларни олиб боришда кўп қиррали ёндашувнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Бундай ёндашув эрта ташхис қўйиш, юрак-қон томир хавфини комплекс баҳолаш, комбинацияланган дори-дармон терапиясини қўллаш, мунтазам мониторинг ўтказиш, шунингдек рақамли ечимлар ва таълим дастурларини жорий этиш орқали беморларнинг даволанишга мойиллигини оширишни ўз ичига олади. Бунга ёрқин мисол сифатида PIA (Praxisteam- und Patientenorientierte Intervention bei arterieller Hypertonie, Германия, 2023) тадқиқотини келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотда беморларга оиласи шифокор платформаси билан интеграциялашган мобил иловалардан фойдаланиш таклиф этилган. Олинган натижаларга кўра, б ойдан сўнг артериал босим назоратига эришиш даражаси 52% дан 67% гача ошган, шунингдек беморларнинг кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига қониқиши индекси сезиларли даражада яхшиланган (Bächle C. ва ҳаммуалифлар, 2023). АГли беморларни олиб боришини такомиллаштиришнинг алоҳида ва истиқболли йўналишларидан бири сунъий интеллект (СИ) технологияларини клиник амалиётга жорий этиш билан боғлиқ ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АГ сўнгги ўн йилликлар давомида ички касалликлар ва кардиология соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида қараб келинмоқда. Жаҳон илмий адабиётида ушбу касалликнинг тарқалиши, хавф омиллари, патогенези ва клиник оқибатлари бўйича катта ҳажмда илмий маълумотлар тўпланган (NCD-RisC,

2021; Zhou B. ва ҳаммуаллифлар, 2021; Williams B., Mancia G., 2023). COVID-19 пандемияси артериал гипертензиянинг кечиш хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, АГ мавжудлиги янги коронавирус инфекциясининг оғир кечиши ҳамда ўлим хавфининг ошиши билан боғлиқ экани кўрсатилган (Zhou F., 2020; Xie Y., Al-Aly Z., 2022). Ковиддан кейинги даврда эса назорат қилинмайдиган АГ ҳолатларининг кўпайиши, эндотелиал дисфункция билан кечувчи беморлар улушининг ортиши, артериал босимнинг бир кечакундузлик профили бузилишлари (АБКМ), шунингдек семизлик, қандли диабет ва сурункали юрак етишмовчилигини ўз ичига олган коморбид патологиялар сонининг ўсиши қайд этилмоқда (Mancia G., Rea F., 2022; Banerjee A., 2021). Айниқса, карантин чекловлари даврида психоэмоционал стресс даражасининг ошиши ва жисмоний фаолликнинг пасайишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки ушбу омиллар артериал босим назоратининг ёмонлашишига қўшимча равишда салбий таъсир кўрсатган (Brooks S.K., 2020; Pfefferbaum B., 2021).

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида пандемиянинг артериал гипертензия билан оғриган беморларга таъсирини баҳолаш бўйича муайян илмий тажриба тўпланган. Хусусан, бирламчи бўғин даражасида касалликни аниқлаш кўрсаткичларининг пасайиши, шунингдек инсульт, миокард инфаркти ва сурункали юрак етишмовчилигининг декомпенсацияси билан боғлиқ ҳолда шифохонага даволанишга ётишлар сонининг ошгани қайд этилган (Оганов Р.Г., 2021; Чазова И.Е., 2022). Қатор тадқиқотларда пандемия даврида беморларнинг антигипертензив препаратларни мунтазам қабул қилишга бўлган мойиллиги кескин пасайгани таъкидланади. Ушбу ҳолат телемедицина технологияларини жорий этиш, масофавий маслаҳат бериш амалиётини кенгайтириш ҳамда беморларни узокдан мониторинг қилиш тизимларини ишга тушириш зарурлигини юзага келтирган (Бойцов С.А., 2022; Драпкина О.М., 2021).

Мамлакатимизда ҳам АГ муаммоси юкумли бўлмаган касалликлар орасида энг долзарбларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган STEPS тадқиқоти (2019) натижаларига кўра, катта ёшли аҳоли орасида АГ тарқалиши тахминан 39–41 % ни ташкил этади, бироқ артериал босимни қониқарли даражада назорат қилишга беморларнинг 20 % дан камроғи эриша олади. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида ўтказилган тадқиқотлар хавф омилларининг юкори даражада учрашини тасдиқлаган бўлиб, АГни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ масалалар доимий равишида илмий жиҳатдан ўрганиб келинмоқда (Курбанов Р.Д., Гадаев А.Г., Камилова У.К., Нуриллаева Н.М., 2021).

Сўнгги йилларда чоп этилган илмий мақолаларда ковиддан кейинги даврда АГнинг бекарор кечиши, шунингдек метаболик синдром ва қандли диабет каби коморбид касалликлар тарқалишининг ошиши қайд этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам маҳаллий тадқиқчилар томонидан ковиддан кейинги даврда беморларни ташхислаш, даволаш, диспансер кузатувини ташкил этиш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ масалалар изчил равишида ўрганиб

келинмоқда. Хусусан, бирламчи бўғин шароитида оилавий шифокорлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида кластер дастурларини жорий этиш, шунингдек рақамли технологиялар — чат-ботлар ва телемедицина платформаларини қўллашнинг амалий афзалликлари кўрсатиб берилган (Нурилаева Н.М., 2023).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий изланиш иши режаси билан “Хавф омилларининг қон гемостазининг биокимёвий кўрсаткичлари билан ўзаро таъсирини ўрганиш ва асосий юрак-қон томир касалликларида касалликни даволаш ва камайтириш бўйича профилактика чораларини ишлаб чиқиши” (давлат қайд қилиш рақами №011800229, 01.01.2023 йил) мавзусига мос равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Оилавий поликлиника шароитида артериал гипертензияли беморларда касалликнинг клиник кечиши хусусиятларини баҳолаб, уларни олиб боришни такомиллаштириш ва оилавий шифокорлар учун сунъий интеллект асосида кластер дастурини чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

рестроспектив тахлил асосида COVID-19 дан олдин ва кейинги даврида артериал гипертензиянинг кечишини баҳолаш ва хавф омилларини тарқалганлик даражасини ўрганиш;

рестроспектив тахлил асосида COVID-19 дан олдин ва кейинги даврида артериал гипертензияли беморларда охирги нуқталарни баҳолаш;

COVID-19 дан олдин ва кейинги даврда артериал гипертензияли беморларда антигипертензив терапияни ўзгарувчанлик сабабларини ўрганиш;

COVID-19 дан олдин ва кейинги даврда артериал гипертензияли беморларда номедикаментоз ва медикаментоз давога мойилликни баҳолаш;

оилавий шифокор томонидан АГ беморларни олиб бориш тактикасини яхшилаш мақсадида сунъий интеллект асосида «Интерактив веб-интерфейс» дастурний модулни яратиш;

яратилган «Интерактив веб-интерфейс» дастур асосида беморларни қабул килишни амалга ошириш ва натижаларни тахлил қилиш;

оилавий шифокорлар учун кластерли дастурни яратиш орқали соғлиқни сақлашни бирламчи бўғинида артериал гипертензияси бўлган беморларни бошқариш усууларини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ретроспектив тахлил ва проспектив кузатув учун Тошкент давлат тиббиёт университети 1-сон оилавий тиббиётда ички касалликлар ва превентив тиббиёт асослари кафедраси клиник базаси Тошкент шаҳар 40-оилавий поликлиникасида диспансер назоратда бўлган 542 нафар бемор кузатувга олинган.

Тадқиқот предмети сифатида беморларнинг амбулатор карталари, физикал текширувлар, қоннинг лаборатор тахлиллари, ЭКГ, ЭхоКГ, артериал қон босимни бир кеча кундузлик мониторинги (АБКМ), уйқу артериялари ултратовуш текшируви усуулари маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида ТВИ (тана вазни индекси), никотинга қарамлиликни Фагестрем саволномаси, гиподинамияни IPAQ (International Questionnaire on Physical Activity), даволанишга мойилликни ММАС-8 (Мориски-Грин) сўровномалари билан баҳоланди. Шунингдек умумклиник, биокимёвий, асбобий, интерактив веб-интерфейсли дастурний модул ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

COVID-19 дан кейинги даврда артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги маълумотларига кўра, пандемиядан кейинги даврда систолик ва диастолик артериал босимнинг тунги пасайиши даражаси қарийб 2 марта камайгани, “non-dipper” тури 1,3 марта ва “night-peaker” тури эса 2,2 марта ошганлиги ва ушбу ўзгаришлар артериал гипертензияни назоратланмаган кечишига ишончли даражада таъсир кўрсатиши исботланган;

бирламчи бўғин шароитида артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги натижалари асосида «night-peaker» турининг чап қоринча гипертрофияси ва интима-медиа комплекси қалинлашиши билан ишончли корреляцияга эгалиги аниқланган ($r=0,30-0,78$; $p<0,001$);

ковиддан кейинги даврда назоратланмаган артериал гипертензиянинг систолик ва ($r=0,82$) ва диастолик артериал босим ($r=0,78$) билан кучли, стресс даражаси ($r=0,42$), ҳамроҳ қасалликлар ($r=0,37$) ва семизлик ($r=0,36$) билан ўртача даражадаги мусбат корреляцияга эга эканлиги аниқланган;

илк бор артериал гипертензияли беморларни бирламчи бўғин шароитида самарали бошқариш учун DeepSeek-R1-Distill-Llama асосидаги сунъий интеллектли интерактив веб-интерфейс (чат-бот) ишлаб чиқилди ва унинг хавф омилларини тўлиқ аниқлашида ва тавсиялар шакллантириш самарадорлиги исботланган;

артериал гипертензияли беморларда қасалликнинг клиник кечиши ва хавф даражаси, беморнинг хулқ-атвори, психоэмоционал ҳолати, шунингдек даволанишга мойиллиги комплекс баҳоланиб, улар метаболик, кардиоренал, хулқ-атворий ва қон босими турли профилли фенотипларга тақсимлаган ҳолда, уларни ҳар бири учун шахсий тавсиялар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

пандемиядан кейинги даврда суткалик артериал босим профилини баҳолаш амалиёти такомиллаштирилиб, АГни назорат қилишда циркад профилларни баҳолаш асосида даволаш чора-тадбирларини олиб боришида индивидуал хавфни баҳолаш тизими яратилган;

АБКМ натижаларига асосан “non-dipper” ва “night-peaker” циркад профилларининг кўпайиши ва АГнинг назоратланмаган кечиши амалда бир кеча кундузлик мониторингини бирламчи бўғинда кенг қўлланишининг клиник аҳамиятини белгилаб, даволаш тамойилларини самарадолигини оширишга хизмат қилган;

“night-peaker” профилининг чап қоринча гипертрофияси ва интима-медиа комплекси қалинлашиши билан боғлиқлиги нишон аъзолар заарланишини эрта аниқлашга ёрдам берувчи амалий биомаркер сифатида

қўлланишини таъминлади. Назоратланмаган АГнинг САБ ва ДАБ даражалари билан кучли, стресс, коморбид патологиялар ва семизлик билан ўртacha даражадаги корреляциялари аниқланди ва ушбу натижалар амбулатория амалиётда bemорлар психоэмоционал ҳолатини баҳолаш, стрессни камайтириш усуллари, семизлик ва коморбид ҳолатларни даволаш зарурлигини асослаб берди;

бирламчи бўғин шароитида АГли bemорларни бошқариш мақсадида DeepSeek-R1-Distill-Llama асосидаги сунъий интеллектли интерактив веб-интерфейс (чат-бот) bemорларнинг хавф омилларини тўлиқ ва тизимли аниқлаш, bemорнинг клиник вазиятига мос персонал тавсиялар бериш имкониятлари оиласиий шифокор амалиётида анкета ва анамнез тўплаш жараёнини тезлаштириди ва bemорларни стратификация қилиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

АГли bemорларни метаболик, кардиоренал, хулқ-атворий, аномал профилли фенотипларга тақсимланиши унинг даволаш самарадорлигини сезиларли оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, асбобий ҳамда статистик усулларга таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг махаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, артериал гипертензияли bemорларнинг қон босимини бир кеча кундузлик ритмидаги бузилишлар, “нон-диппер” профилининг ўсиши, давога мойиллик ва психоэмоционал ҳолатлар билан боғлиқ клиник-патогенетик боғлиқликларнинг аниқлаш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амбулатория шароитида сунъий интеллект (DeepSeek-R1-Distill-Llama модели) асосидаги интеллектуал чат-бот яратилди ва унинг тавсиялар бериш ва bemорларда мақсадли артериал босим даражасига эришиш самарадорлиги ошириш билан изоҳланади. Бу жараёнлар оиласиий шифокорнинг иш юкини камайтириш, bemорнинг саломатлигига бўлган масъулиятини ошириш ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. АГ bemорларнинг ковиддан кейинги даврда кечиши хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги натижалари пандемиядан кейин “non-dipper” ва “night-peaker” турларининг кўпайиши артериал гипертензиянинг назоратланмаган кечишига олиб келиши аниқланганлиги Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий

поликлиникаси (2025 йил 8 апрелдаги 1295-10-212-ТБ/2025-сон буйруғи) ва Олмазор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли күп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига (2025 йил 8 апрелдаги 415-14-197-ТБ/205-сон буйруқлари) билан жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 17 июлдаги №22/55-сонли холосаси). Ижтимоий самарадорлик: Юқори хавфли “non-dipper” ва “night-peaker” циркад профилларни аниқлаш учун артериал босим бир кеча кундузлик мониторингни бирламчи бўғинда кенгроқ қўллаш орқали беморларда шахсийлаштирилган профилактика ва самарадор даволашни амалга ошириш имконини яратади. Иқтисодий самарадорлиги: циркад ритмни инобатга олган ҳолда ташхислаш ва мониторингни жорий этиш инсулт ва инфаркт хавфини, ногиронликни камайтиради, шифохона ва реанимацияга ётказилишлар ва асоратларни даволаш харажатларини сезиларли камайтириб, соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий тежамкорликни таъминлайди. Хулоса: пандемиядан кейин “non-dipper” ва “night-peaker” циркад профилларининг кўпайиши АГнинг назоратланмаган кечишига сабаб бўлиши аниқланиши, бирламчи бўғинда артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги қўллашни кенгайтириш орқали инсульт ва инфаркт каби асоратларни камайтириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: бирламчи бўғин шароитида анамнезида COVID-19 ўтказган беморларда ўтказилган артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги натижалари «night-peaker» профилининг чап қоринча гипертрофияси ва интима-медиа комплекси қалинлашиши билан ишончли корреляцияга эгалиги аниқланганлиги Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси (2025 йил 8 апрелдаги 1295-10-212-ТБ/2025-сон буйруғи) ва Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига (2025 йил 8 апрелдаги 415-14-197-ТБ/205-сон буйруқлари) билан жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 17 июлдаги №22/55-сонли холосаси). Ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 ўтказган беморларда артериал босимнинг бир кеча-кундузлик мониторинги орқали «night-peaker» профилини эрта аниқлаш, чап қоринча гипертрофияси ва каротид интима-медиа комплекси қалинлашиши каби нишон органлар заарланишини ўз вақтида аниқлаш имконини яратади. Бу эса бирламчи бўғин шифокорлари учун юқори хавфли беморларни эрта аниқлаш ва асоратларнинг олдини олиш имкониятини кенгайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: Юқори хавфли «night-peaker» циркад профилига эга беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларда шахсийлаштирилган профилактика ҳамда даволашни эрта босқичда амалга ошириш АГнинг оғир кечиши билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган шифохонада даволанишлар, гипертоник кризлар, юрак етишмовчилиги ва инсульт туфайли стационарга мурожаатлар сезиларли камаяди. Бу эса ҳар бир бемор учун бюджет маблағларидан 3985000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 1500000 сўм тежалишини таъминлайди. Хулоса: «Night-peaker» профилининг чап қоринча гипертрофияси ва интима-медиа қалинлашиши билан боғлиқлиги юқори хавфли беморларни эрта аниқлаш ва

нишон аъзолар шикастланишининг олдини олиш учун шахсийлаштирилган давони ўз вақтида белгилаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: ковиддан кейинги даврда назоратланмаган артериал гипертензия систолик ва ва диастолик артериал босим билан кучли, стресс даражаси, ҳамроҳ қасалликлар ва семизлик билан ўртacha даражадаги мусбат корреляцияга эга эканлиги аниқланганлиги Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига (2025 йил 8 апрелдаги 1295-10-212-ТБ/2025-сон буйруғи) ва Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига (2025 йил 8 апрелдаги 415-14-197-ТБ/205-сон буйруқлари) билан жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 17 июлдаги №22/55-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда артериал гипертензиянинг назоратланмаган кечиши стресс даражаси, ҳамроҳ қасалликлар, семизлик ва артериал босим даражаси билан ўсиб боришини баҳолаш бирламчи бўғинда юқори хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларни олдини олиш имконини яратади. Иқтисодий самарадорлиги: Хавф омилларини эрта аниқлаш орқали асоартлар олди олиниб, ҳар бир бемор учун бюджет маблағларидан 3985000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 1500000 сўм тежалишини таъминлайди. Хулоса: постковид даврда АГ назоратланмаган беморларда хавф омилларини комплекс баҳолашнинг зарурлиги аниқланган корреляциялар билан тасдиқланиб, бу ҳолат ўз вақтида аралашув ва юрак-қон томир асоратларини самарали олдини олиш учун муҳим эканини кўрсатади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор бирламчи бўғин шароитида артериал гипертензияли беморларни самарали бошқариш учун DeepSeek-R1-Distill-Llama асосидаги сунъий интеллектли интерактив веб-интерфейс (чат-бот) дастури самарадорлиги Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси (2025 йил 8 апрелдаги 1295-10-212-ТБ/2025-сон буйруғи) ва Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига (2025 йил 8 апрелдаги 415-14-197-ТБ/205-сон буйруқлари) билан жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 17 июлдаги №22/55-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: сунъий интеллектли интерактив веб-интерфейс (чат-бот) дастури қўлланилиши оилавий шифокорлар қабул жараёнида ортиқча вақт тежайди, бу эса бемор муаммоларига кўпроқ эътибор қаратиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: сунъий интеллектли модулдан фойдаланиш шифокор фаолияти самарадорлигини оширди. Хавф омилларини тўлиқ аниқлаш ва беморларни тўғри йўналтириш натижасида гипертоник кризларнинг 25% га камайиши кузатилди, бу эса шошилинч ёрдам ва шифохонада даволаш харажатларини сезиларли қисқартирди. Бир гипертоник кризни шифохонада даволаш харажати ўртacha 250000 сўмни ташкил этишини инобатга олганда, ушбу технология қўлланилган шароитда ҳар бир олди олинган криз учун шу миқдорда маблағ тўғридан-тўғри

тежалиши таъминланади. Хулоса: сунъий интеллектли интерактив чатботнинг жорий этилиши қабул жараёнини такомиллаштириб, шифокор вакт ресурсларини сезиларли тежади, беморларга шахсий ёндашув имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

бешинчи илмий янгилик: артериал гипертензияли беморларнинг клиник ва хавф даражасини, хулқ-атвор ва психоэмоционал ҳолатини, даволанишга мойиллигини баҳолаб, метаболик, кардиоренал, хулқ-атворий турли циркад ритмли артериал босим профилларига эга фенотипларга тақсимлаган ҳолда, уларни ҳар бири учун тавсиялар шакллантириши асосланганлиги Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси 2025 йил 8 апрелдаги 1295-10-212-ТБ/2025-сонли ва Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникага қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси амалиётига 2025 йил 8 апрелдаги 415-14-197-ТБ/205-сон буйруқлари билан жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 17 июлдаги №22/55-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: метаболик, кардиоренал, хулқ-атворий фенотипларга тақсимлаган ҳолда, уларни ҳар бири учун тавсиялар жорий этилиши ҳар бир bemor учун шахсий тавсиялар ва даво тамойилларини ишлаб чиқиши имконини берди, бу эса даволаш самарадорлигини оширди, беморнинг даволашга мойиллигини мустаҳкамлади ва асоратларнинг эрта олдини олишни таъминлади. Иқтисодий самарадорлиги: фенотипларга тақсимлаган ҳолда, беморларнинг шахсий клиник ва хулқ-атвор хусусиятларига монанд даволаш усулини танланиши орқали асоратларнинг олди олинади, даволаш ва текширув харажатлари камаяди, шифохонада даволаниш кунлари қисқаради ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида маблағ тежалишига эришилади. Бу эса ҳар бир bemor учун бюджет маблағларидан 3985000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 1500000 сўм тежалишини таъминлади. Хулоса: АГли беморларни метаболик, кардиоренал ва хулқ-атворий фенотипларга ажратиш ортиқча диагностика ва самарасиз даволаш ҳолатларини камайтириб, соғлиқни сақлаш тизими учун сезиларли иқтисодий тежамкорликка эришиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 16 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Шу билан бир қаторда диссертация иши юзасидан 2 та услубий тавсиянома яратилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 191 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидә диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг обьекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни «**Артериал гипертензиянинг ривожланиши ва кечиши бўйича замонавий қарашлар: муаммолар, реал ҳолат ва истиқболлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. АГнинг тарқалиши, хавф омиллари ва кечиши COVID-19 пандемиясигача ва ундан кейинги даврдаги илмий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертацияни «**Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўйилган вазифаларни ҳал қилиниши учун тадқиқот обьекти, дизайни фойданилган усуллари ҳамда услубий ёндашувлар баён этилган. Тадқиқот иши 2022-2024 йиллар давомида ўтказилди. Тадқиқотда Тошкент шаҳар оиласиий поликлиникасида диспансер назоратда бўлган ESH/ESC (2018) мезонларига мувофиқ тасдиқланган АГ I-III даражали беморлар ўрганилган. Тадқиқот ретроспектив ва проспектив усулда, 3 босқичда олиб борилиб, биринчи босқичда диспансер кузатувида бўлган 620 та 40 дан 70 ёшгача бўлган беморнинг амбулатор карталари ретроспектив таҳлил учун танлаб олинди. Биринчи босқичда амбулатор карталар асосида ретроспектив усулда беморларнинг клиник-демографик хусусиятлари, АГ ривожланиш хавфига таъсир этувчи омиллар, лаборатор ва асбобий текширув усуллари натижалари таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда эса клиник мезонларга мувофиқ, икки асосий клиник гурух шакллантирилди. 1-гурухни АГ назорат қилинмаган(мақсадли даражага эришилмаган) беморлар ($n=352$), 2-гурухни АБ етарлича назорат қилинган беморлар ташкил этди ($n=190$). Ушбу босқичда ўрганилаётган гурухларда артериал гипертониянинг стандарт умумклиник ва лаборатор-асбобий текширув усуллари (ЭКГ, ЭхоКГ, АБКМ, уйқу артериялари ултратовуш текшируви) ўтказилди, юрак-қон томир асоратлари ва ҳамроҳ касалликлар қайд этилди, антигипертензив даво таҳлил қилинди. III босқичда эса оиласиий шифокор томонидан АГ беморларни олиб бориш тактикасини яхшилаш максадида сұйний интеллект асосида интерактив веб-интерфейс» дастурий модули (<https://korik.medgpt.uz>) DeepSeek-R1-Distill-Llama) яратилди ва бирламчи бўғинда оиласиий шифокорлар учун АГли беморларни олиб бориш усулларини мувофиқлаштириш мақсадида кластерли усулда олиб бориш алгоритми яратилди.

Тадқиқотга киритилган 542 нафар беморлар орасида АГ I даражаси 152 нафарда (28,0%), АГ II даражаси 244 нафарда (45,0%), АГ III даражаси эса 146 нафарда (26,9%) кузатилди (1-жадвал). Тахлил натижасида АГ II даражаси устунлик қилиб, беморларнинг қарийб ярмини ташкил этиши аниқланди.

1-жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг артериал гипертензия даражалари ва ёш гурухлари бўйича тақсимланиши (n=542)

Ёш гуруҳи		40–49 ёш	50–59 ёш	≥60 ёш	Жами
АГ I	абс.	64	53	35	152
	%	42,1	34,9	23	28,0
АГ II	абс.	62	105	77	244
	%	25,4	43	31,6	45,0
χ^2 ; P ₁₋₂		12,05; <0,01	2,60; >0,05	3,36; >0,05	12,18; <0,01
АГ III	абс.	17	60	69	146
	%	11,6	41,1	47,3	26,9
χ^2 ; P ₁₋₃		34,91; <0,001	1,23; >0,05	19,25; <0,001	38,72; <0,001
χ^2 ; P ₂₋₃		10,72; <0,01	0,14; >0,05	9,62; <0,01	14,64; <0,001

Изоҳ: p<0,05; p<0,01; p<0,001- солиширилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

Беморларнинг 309 (57,0%) нафари эркаклар бўлиб, юрак-қон томир касалликлари бўйича наслий омил 336 (62,0%) нафар беморда қайд этилди. Ортиқча вазн ва семизлик ҳолатлари 129 (23,8%) нафар беморда, абдоминал семизлик эса 223 (41,1%) нафар беморда аниқланди. Турмуш тарзи билан боғлиқ хавф омиллари орасида гиподинамия 46,0%, нотўғри овқатланиш 41,9% ва ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш 42,4% ҳолатда учради. Биокимёвий таҳлиллар маълумотларига асосан, гиперхолестеринемия 242 (44,6%) нафар беморда, гипергликемия эса 87 нафар беморда (16,1%) кузатилди (2-жадвал). Тадқиқотга киритилган барча bemорларда умум клиник, биокимёвий ва асбобий текширувлар – ЭКГ, Эхокардиография (ЭхоКГ), артериал босим бир кеча кундузлик мониторинги (АБКМ), уйку артерияларининг ултратовушли текшируви ўтказилди.

2-жадвал

АГли беморларда хавф омилларининг тарқалганлиги (n=542)

Хавф омили	Беморлар сони	
	абс.	%
Эркаклар	309	57,0
ЮҚТК бўйича наслий омил (<55/Э <65/А)	336	62,0
Ортиқча вазн	168	31,0
Семизлик I даражаси (ТВИ 30–34,9)	118	21,8
Семизлик II–III даражаси (ТВИ ≥35)	11	2,0
Абдоминал семириш (>102 см Э, >88 см А)	223	41,1
Чекиш	118	21,8
Гиподинамия	249	46
Нотўғри овқатланиш	227	41,9

Ош тузи қўп истеъмоли	230	42,4
Гиперхолестеринемия ($>4,9$ ммоль/л)	242	44,6
Гипергликемия (5,6-6,9 ммоль/л)	87	16,1

Беморларда антигипертензив давога мойилликни баҳолаш ММАС-8, жисмоний фаолликни баҳолаш International Questionnaire on Physical Activity - IPAQ (www.ipaq.ki.se), никотинга боғлиқлик даражасини баҳолаш учун Фагестрем сўровномалари баҳоланди.

Олинган натижалар статистик таҳлили Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида Statistica 10.0 дастури орқали бажарилди. Олинган натижалар қўйидаги қўринишида ифодаланди: ўртача арифметик ва стандарт оғишилар ($M+m$). Миқдорий ўзгарувчилар учун ўртача қийматлар ва стандарт оғишилар ҳисоблаб чиқилган. Гуруҳлар ўртасидаги таққослаш Стюдентнинг t -мезони, χ^2 -тест ёрдамида амалга оширилди. Ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик Пирсон ва Спирмен корреляция коэффициентлари ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг «**COVID-19 дан олдин ва кейинги даврда артериал гипертензиянинг кечишини баҳолаш ва хавф омилларини таркалганлик даражасини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида COVID-19 дан олдинги ва кейинги даврда амбулатор кузатувда бўлган артериал гипертензияли bemorlarning клиник кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари пандемиядан кейин АГ даражаларида статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар мавжудлигини қўрсатди ($\chi^2=16,05$; $p<0,001$). Хусусан, АГ I даражаси улуши 28,0% дан 18,1% гача камайган бўлса (-9,9%), АГ II даражаси 45,0% дан 52,8% гача (+7,8%), АГ III даражаси эса 27,0% дан 30,1% гача ортган. Ковиддан кейинги даврда офис АБ кўрсаткичларида ишончли ошиш қайд этилди: САБ $145,3\pm3,7$ мм рт.ст. дан $153,2\pm3,7$ мм рт.ст. гача, ДАБ эса $92,7\pm8,4$ мм рт.ст. дан $96,3\pm6,6$ мм рт.ст. гача ошган ($p<0,001$). Шунингдек, юрак қисқаришлар сони ҳам $75,3\pm2,5$ дан $84,0\pm2,8$ зарба/дақ. гача ишончли равишда ортган ($p<0,001$) (3-жадвал).

3-жадвал

Артериал гипертензияли bemorlarда COVID-19 дан олдинги ва кейинги даврда артериал босим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	COVID-19 дан олдинги	COVID-19 дан кейинги	p
Офис САБ мм с.у.	$145,3\pm3,7$	$153,2\pm3,7$	$p<0,001$
Офис ДАБ мм с.у.	$92,7\pm8,4$	$96,3\pm6,6$	$p<0,001$
ЮҚС	$75,3\pm2,5$	$84,0\pm2,8$	$p<0,001$

Изоҳ: $p<0,001$ - солиштирилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

Тадқиқот доирасида COVID-19 га қадар АБКМ маълумотлари мавжуд бўлган АГли 60 нафар bemорда пандемиядан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари пандемиядан кейин АБКМ кўрсаткичларининг деярли барчасида ишончли ўзгаришлар юз берганини қўрсатди. Жумладан, ўртача суткалик САБ пандемиядан кейин $148,1\pm12,5$ мм с.у. ни ташкил этиб, пандемиягача қайд этилган $136,3\pm13,1$ мм с.у.

кўрсаткичидан ишончли юқори бўлди ($p<0,001$). Ўртача суткалик ДАБ ҳам $86,7\pm2,9$ мм с.у. дан $92,0\pm3,1$ мм с.у. гача ошди ($p<0,04$). Кундузги ва тунги систолик ҳамда диастолик артериал босим кўрсаткичларида ҳам пандемиядан кейин ишончли ошиш қайд этилди ($p<0,05$). АБ вариабеллиги таҳлилида суткалик САБ ва ДАБ вариабеллиги бўйича аҳамиятли фарқ аниқланмаган бўлса-да ($p>0,05$), кундузги ДАБ, шунингдек тунги САБ ва ДАБ вариабеллиги пандемиядан кейин ишончли равишда ортгани кузатилди ($p<0,001$). Тунги пасайиш даражаси таҳлилида ҳам салбий динамика қайд этилди: пандемиядан олдин САБ пасайиши 9,6% ни ташкил этган бўлса, пандемиядан кейин 5,0% гача камайган ($p<0,01$), ДАБ пасайиши эса 12,5% дан 6,6% гача пасайган ($p<0,01$). Ушбу ўзгаришлар «non-dipper» ва «night-peaker» типидаги беморлар улушининг ортиши билан тавсифланди (4-жадвал).

4-жадвал

Артериал босим кўрсаткичларининг COVID-19 пандемиясигача ва ундан кейинги даврдаги таҳлили

Кўрсаткич	COVID-19 пандемиясигача (n=60)	COVID-19 пандемиясидан кейин (шу беморлар n=60)	p
Ўртача суткалик САБ, мм с.у.	$136,3\pm13,1$	$148,1\pm12,5$	$<0,001$
Ўртача суткалик ДАБ, мм с.у.	$86,7\pm12,8$	$92\pm11,9$	0,04
Ўртача кундузги САБ, мм с.у.	$136,5\pm13,2$	$143,2\pm12,7$	$<0,001$
Ўртача кундузги ДАБ, мм с.у.	$82,8\pm8,1$	$92,2\pm12,2$	$<0,05$
Ўртача тунги САБ, мм с.у.	$136,1\pm14,3$	$143,7\pm13,5$	$<0,001$
Ўртача тунги ДАБ, мм с.у.	$82,5\pm9,2$	$92,3\pm10,8$	$<0,01$
Ўртача ЧСС, уд/мин	$73\pm10,2$	$86\pm7,6$	$<0,001$
Ўрт. вариабеллик САБ, мм с.у.	$12,4\pm5,3$	$14,3\pm1,42$	$p>0,05$
Ўрт. вариабеллик ДАБ, мм с.у.	$12,4\pm4,8$	$13,6\pm2,71$	$p>0,05$
Вариабеллик САБ кун, мм с.у.	$13,4\pm3,3$	$15,6\pm3,6$	$p>0,05$
Вариабеллик ДАБ кун, мм с.у.	$11,9\pm2,8$	$13,8\pm2,9$	$<0,001$
Вариабеллик САБ тун, мм с.у.	$11,5\pm2,7$	$13,3\pm3,1$	$<0,001$
Вариабеллик ДАБ тун, мм с.у.	$10,8\pm2,5$	$12,9\pm2,6$	$<0,001$
Тунги пасайиш даражаси САБ, %	$9,6\pm0,32$	$5,0\pm0,17$	$<0,001$
Тунги пасайиш даражаси ДАБ, %	$12,5\pm0,41$	$6,6\pm0,22$	$<0,001$
«dipper», абс. (%)	38 ($63,3\pm6,3\%$)	20 ($33,3\pm6,1\%$)	$<0,001$
«non-dipper», абс. (%)	14 ($23,3\pm5,5\%$)	18 ($30,0\pm6,0\%$)	$<0,05$
«over-dipper», абс. (%)	2 ($3,3\pm2,3\%$)	4 ($6,7\pm3,3\%$)	$>0,05$
«night peaker», абс. (%)	6 ($10,0\pm3,9\%$)	18 ($30,0\pm6,0\%$)	$<0,001$

Изоҳ: $p<0,05$; $p<0,01$; $p<0,001$ - солиширилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

Диссертациянинг «COVID-19 дан кейинги даврида артериал гипертензияли беморларда антигипертензив давони ўзгарувчанлик сабабларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 дан кейинги даврда артериал гипертензияли беморларда антигипертензив терапия самарадорлигининг ўзгарувчанлик сабаблари таҳлил қилинди. Беморлар амалдаги клиник тавсияларга мувофиқ равишда назоратланмаган АГли (1-гурух, n=352) ва назоратланган АГли (2-гурух, n=190) гурухларга ажратилиб,

пандемиядан олдинги ва кейинги даврларда даволаш тактикаси қиёсий баҳоланди. Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, назоратланмаган гурухда эркаклар улуши, 60 ёшдан катта беморлар, АГ давомийлиги 5 йилдан ортиқ ҳолатлар, чекиш ҳамда COVID-19 нинг оғир шакллари (КТ ≥ 2) назоратланган гурухга нисбатан ишончли равишда юқори экани аниқланди ($p<0,05-0,001$). Шунингдек, назоратланмаган гурухда семизлик (52,3% ва 14,7%; $p<0,001$), ҳамроҳ касалликлар (53,4% ва 15,3%; $p<0,001$), нишон аъзолар заарланиши (ЧҚГ – 79,0% ва 54,7%; ИМҚ $>0,9$ мм – 92,3% ва 78,4%; $p<0,01$) ҳамда даволанишга мойилликнинг паст даражаси (MMAS-8 <6 : 82,1% ва 54,2%; $p<0,001$) устунлик қилди(5-жадвал).

5-жадвал

Артериал гипертензияли беморларнинг АБ кечиш хусусиятига кўра клиник-демографик кўрсаткичлари таҳлили


Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (n=352)		2-гуруҳ (n=190)		χ^2 ; p
	абс.	%	абс.	%	
Ўртача ёш (йил)	$58,2\pm7,8$		$56,6\pm8,6$		<0,05
Эркаклар (%)	184	52,3	78	41,1	$\chi^2=6,22$; $p<0,05$
>60 ёшдан катталарап	112	32,0	39	20,5	$\chi^2=14,19$; $p<0,01$
САБ (мм с.у.)	$162,7\pm5,4$		$130,5\pm4,3$		<0,001
ДАБ (мм с.у.)	$94,1\pm3,2$		$82,5\pm2,8$		<0,05
COVID-19 (КТ ≥ 2)	164	46,5	42	22,1	$\chi^2=31,4$; $p<0,001$
АГ давомийлиги > 5 йил (%)	247	70,2	100	52,6	$\chi^2=16,48$; $p<0,01$
Чекиш (%)	75	21,3	24	12,6	$\chi^2=6,22$; $p<0,05$
Гиперхолестеринемия (%)	203	57,7	99	52,1	$\chi^2=1,55$; $p>0,05$
Семизлик (ТВИ ≥ 30) (%)	184	52,3	28	14,7	$\chi^2=73,0$; $p<0,001$
Ҳамроҳ касалликлар (ҚД, СЮЕ ва б.) (%)	188	53,4	29	15,3	$\chi^2=74,79$; $p<0,001$
ЧҚГ (ЭхоКГ бўйича) (%)	278	79,0	104	54,7	$\chi^2=76,6$; $p<0,001$
ИМҚ $> 0,9$ мм (%)	325	92,3	149	78,4	$\chi^2=21,76$; $p<0,01$
Даволанишга мойиллик (MMAS-8 <6) (%)	289	82,1	103	54,2	$\chi^2=47,96$; $p<0,001$
Жисмоний фаоллик (IPAQ паст даражаси) (%)	230	65,3	81	42,6	$\chi^2=26,02$; $p<0,01$
Стресс даражаси (PSS-10 балл)	$32\pm1,1$		$26,4\pm0,87$		<0,001

Изоҳ: $p<0,05$; $p<0,01$; $p<0,001$ - солиширилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик ишончли тафовут

Хулқ-атвор ва психоэмоционал омиллар таҳлилида назоратланмаган гурухда жисмоний фаолликнинг паст даражаси (65,3% ва 42,6%; $p<0,01$) ва юқори стресс кўрсаткичлари ($32\pm1,1$ ва $26,4\pm0,87$ балл; $p<0,001$) қайд этилди. Ушбу омиллар артериал гипертензиянинг узоқ муддатли назоратсиз кечиши билан ўртача корреляцион боғлиқликка эга экани аниқланди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, COVID-19 дан кейинги даврда артериал гипертензиянинг беқарор кечиши кўп омилли хусусиятга эга бўлиб, клиник-демографик ва психоэмоционал кўрсаткичлар билан ишончли боғлиқ экани аниқланди. Энг кучли мусбат корреляция систолик ($r=0,82$) ва диастолик артериал босим ($r=0,78$) ўртасида кузатилди. Стресс ва психоэмоционал ҳолат

артериал босим билан ўртача мусбат боғлиқликка эга бўлиб ($r=0,42$), унинг АГ бекарорлигига таъсирини кўрсатди. Шунингдек, ҳамроҳ касалликлар (II тур қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги ва бошқалар) ҳамда семизлик (ТВИ ≥ 30) САБ ва ДАБ билан ўртача мусбат корреляцияга эга бўлди ($r=0,36-0,37$), бу метаболик омилларнинг аҳамиятини тасдиқлайди (1-расм).



1-расм. Назоратланмаган АГли беморларда қлиник омиллар билан корреляцион боғлиқлик


АГнинг назоратсиз ва назоратланган кечишига эга гуруҳлар ўртасидаги ЭхоКГ кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили артериал гипертензиянинг узоқ муддатли назоратсизлиги чап қоринчанинг морфо-функционал ўзгаришлари билан боғлиқ эканини кўрсатди. АГ назоратланмаган гуруҳда чап қоринча ўлчамлари (ОДҮ, ОСҮ, ЧҚОД), чап қоринча гипертрофияси улуши (79% га нисбатан 56%) ва чап қоринча миокард массаси индекси назоратли гуруҳга нисбатан ишончли юқори бўлди ($p<0,001$). Уйқу артериялари текшируvida интима-медиа комплекси қалинлашуви назоратсиз гуруҳда 92,4%, АГ назоратланган гуруҳда 78,4% ҳолатда аниқланди, атеросклеротик пилакчалар эса мос равишида 44,5% ва 36,4% ни ташкил этди ($p<0,001$). АБКМ кўра, назоратсиз АГ гуруҳида суткалик, кундузги ва тунги систолик ҳамда диастолик артериал босим кўрсаткичлари, шунингдек юрак қисқаришлари сони назоратли гуруҳга нисбатан ишончли юқори бўлди ($p<0,001$). Назоратли гуруҳда dipper профили устун бўлган (75%), назоратсиз гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 47% гача камайган ($p<0,01$). Шу билан бирга, non-dipper ва night-peaker профиллари назоратсиз гуруҳда кўпроқ учраб, тунги пасайиш даражаси сезиларли камайгани қайд этилди ($p<0,001$).

Антигипертензив даво ўзгарувчанлиги таҳлили COVID-19 дан кейин даво таркибида аҳамиятли ўзгаришлар юз берганини кўрсатди. Энг яққол ўсиш кальций каналлари блокаторлари (19,7% дан 42,0% гача; $\chi^2=41,58$; $p<0,001$) ва β -адреноблокаторлар қўлланилишида кузатилди (23,0% дан 54,3% гача; $\chi^2=72,49$; $p<0,001$). Ангиотензин рецепторлари антагонистлари қўлланилишида ўсиш тенденцияси қайд этилган бўлиб (19,5% дан 28,0% гача), лекин статистик аҳамиятга эга бўлмади ($p=0,108$). ААФИ ва диуретиклар гуруҳидаги ўзгаришлар ҳам ишончли аҳамият касб этмади ($p>0,05$).

Диссертациянинг «Артериал гипертензияни даволашнинг самарадорлиги ва даволанишга тарафдорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида АГли беморларда медикаментоз ва номедикаментоз давога тарафдорлик MMAS-8 сўровномаси ёрдамида баҳоланди. Таҳлил натижалари

